

Xabar

8
(701)-son

24-fevral

www.xabar.cc.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2006

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan



Йил сарҳисоб қилиниб,
режалар белгиланди

2-3 бем ▶

Ғолиблар аниқланди

“Xabar” газетаси таҳририяти 2006 йилги обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш ва ўз ўқувчилари сафини янада кенгайтириш мақсадида танлов эълон қилган эди. Яқинда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва таҳририят аъзоларидан тузилган комиссия танлов якунларини кўриб чиқди.

(Давоми 3-бетда.)

“Ўзбектелеком” АК “Қорақалпоқ Телеком” филиали директори Қайрат ТАЖЕНОВ ҳамда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиали директори вазифасини бажарувчи Бахтиёр ҲОШИМОВларга газета таҳририятида совринлар топширилди.



Бу сонда:

5 бем ▾

“СУРХОН”
ИЛМИЙ
МАРКАЗИДА

6 бем ▾

НОВОСТИ
В СФЕРЕ ИКТ

7-10 бем ▾

Xabar-TV

12 бем ▾

КОМПЮТЕР САВОДХОНЛИГИ:

ИНТЕРНЕТДА
ИШЛАШНИ НИМАДАН
БОШЛАШ КЕРАК?

13 бем ▾

КЎНГИЛ –
КЎНГИЛДАН
СУВ ИЧАР



— сифат
рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

Haftalik xabarlar

♦ Бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

♦ Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалаларни қўмитасининг "Телерадиоэшиттириш тўғрисида"ги янги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Қонун лойиҳасига телерадиоэшиттириш субъектлари фаолиятини тартибга соладиган қўлаб янги нормалар киритилган. Бундан ташқари, унда оммавий ахборот воситалари муассасаларини эркинлаштириш бўйича қатор меъёрлар, хусусан, давлат, жамоат, нодавлат (хусусий) телерадиоташкилотларнинг вазифалари, телерадиоташкилотларни ташкил этиш, телерадиоэшиттириш соҳасида лицензиялаш, телерадиоташкилотларни оммавий ахборот воситалари сифатида рўйхатдан ўтказиш каби муҳим қоидалар ишлаб чиқилганига эътибор қаратилган.

♦ Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон Республикасида дори воситалари муомаласининг қўнунчилик асосларини такомиллаштириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари" мавзусида амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилган ислохотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди.

♦ Ўзбекистон Банклар ассоциациясида республика Марказий банки томонидан хорижий инвесторлар учун банк ва молия тизимидаги муаммоларга бағишланган "Давра суҳбати" уюштирилди.

Анжуманда унинг иштирокчиларига сўнги йилларда Ўзбекистон банк тизimini ислох қилиш ва янада эркинлаштириш бўйича амалга оширилган тадбирлар ҳақида батафсил ахборот берилди.

"Давра суҳбати"да Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг инвестицион имкониятлари ва хорижий инвесторлар билан ҳамкорлиги ҳақидаги маълумот ҳам тингланди.

♦ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган вазифаларга эътибор қаратилди.

♦ Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германия Бундестагининг Германия-Марказий Осиё парламент гурӯҳи раиси Хеди Вегенер хоним раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани таъкидланди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директори А.АРИПОВ бошқарди ва "2005 йилда алоқа соҳаси корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" маъруза қилди.

Йил сарҳисоб қилиниб,

Маърузачи хизмат кўрсатиш соҳаси, жумладан, коммуникация, транспорт ва алоқа тармоқлари бўйича хизмат кўрсатиш ҳажми беш йил мобайнида бир ярим баравар ўсгани ҳамда кейинги йилларда телекоммуникация алоқаси ва молия-банк тизимида хизматларнинг янги турлари тез суръатлар билан ривожланаётгани Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил яқунларига бағишланган мажлисида Президентимиз томонидан ижобий баҳоланганини алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг у соҳада бир йил ичида олиб борилган ишлар хусусида батафсил сўз юритди.

Маърузада таъкидланишича, ахборотлаштиришнинг миллий тизimini шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш — алоқа ва ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Хисобот даврида алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар томонидан 413,5 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди. Аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 193,5 млрд. сўмни ташкил этди. Шу жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхоналар томонидан 197,7 млрд. сўмлик, хусусан, аҳолига 63,2 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилди.

Экспорт ҳажми 35,0 млн., импорт ҳажми эса 63,4 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўтган йил билан солиштирилганда, 2005 йилда кўрсатилган алоқа хизматларининг ҳажми, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари бўйича — 25,7, ёзма хат-хабарлар — 6,0, жўнатмалар — 9,6 фоизга ўсди.

Асосий телефонлар сони йил давомида 35,4 мингтага ошди ва 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра жами 1730,3 минг донани ташкил этди.

Монтаж қилинган АТСларни ишлаштириш коэффицентини 88,4 фоиздан иборат бўлиб, ҳозирги кунгача республика бўйича АТСлар сизимининг 66,2 фоизини рақамли АТСлар ташкил этади.

2006 йил 1 январь ҳолатига кўра уяли алоқа абонентларининг сони 1150 мингтага етди.

2005 йилда 58 маротаба Лицензия комиссиясининг йиғилиши ўтказилиб, уларда 888та лицензия фаолияти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Республикаимиз шаҳарларини рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш даражаси — юз фоиз, туман марказлари — 84 фоиз, телекоммуникация тармоқлари ва қишлоқ аҳоли масканлари — 90 фоиз, шу жумладан, рақамли телекоммуникация тармоқлари билан таъминлаш — 52 фоизни ташкил қилди.

Давлат бошқарув органлари юз фоиз Интернет тармоғига уланган. Ўтказилган таҳлил натижаларига қараганда, республика давлат бошқарув органларининг ўртача 96,7 фоизи ўз веб-сайтларига эга.

Давлат органлари марказий бошқарув аппаратларининг 85,7 фоизида локал (маҳаллий) компютер тармоқлари мавжуд. Уларнинг таркибий бўлинуларида ушбу кўрсаткич бирмунча пастроқ.

Интернет тармоғига уланган давлат бошқарув органлари сони таркибий бўлинулари билан ҳисобланганда 2006 йил 1 ян-

вар ҳолатида 735тани, ҳўжалик юритувчи субъектлар сони эса 16245тани ташкил этади.


Сирдарё вилоятида электрон ҳукумат пилот лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошлаб юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бўйича Миллий ахборот-қидирув тизimini шакллантириш ва ривожлантириш Дастурининг бажарилишини таъминлаш мақсадида "Миллий ахборот-қидирув тизими" пилот лойиҳаси иш-

сурсларини яратиш, ривожлантириш ва жамлаш дастури, республика мактаблари, академик лицейлари, коллежлари, олий ўқув юртлири, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ва бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларни "ZiyoNET" тармоғига улаш режа-жадвали, ахборот ресурсларини яратиш, экспертизадан ўтказиш ва "ZiyoNET" тармоғининг технологиялик майдончасига жойлаштириш тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Маҳаллий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг экспортини ривожлантириш учун қулай шароитлар яра-

- Интернет оператор ва провайдерлар - 425 та;
- Интернет жамоа пунктлар - 344 та;
- халқаро тармоқларга чиқиш тезлиги 143,1 М/с;
- Интернет-фойдаланувчилар - 855 минг.



лаб чиқилди. Мазкур лойиҳага мувофиқ 58та ахборот ресурслари ишлаб чиқилиши лозим эди. Олиб борилган таҳлил 11та ахборот ресурслари мавжудлигини кўрсатди. Демак, яна 47та ресурслар ишлаб чиқилиши зарур. Ҳозирги кунда 22та ахборот ресурслари тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги қарорларини амалга ошириш учун Агентлик ҳамда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказлари ташкил этилиб, улар синов тартибиде ишлаштилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил, 22 ноябрдаги "Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш тўғрисида"ги Қарори асосида Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби ҳамда Давлат ахборот тизимларини яратиш тартиби тўғрисидаги Низомлар тасдиқланди.

2005 йилнинг 5 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ахборот-коммуникация тизимларининг компютер хавфсизлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди. Шунга кўра Компютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази — "Узин-фоком" ҳузурида Компютер ходисаларига чора кўриш хизмати ташкил этилди.

Республикаимиз Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг жамоа умумтаълим тармоғини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига асосан "Узин-фоком" маркази томонидан "ZiyoNET" ахборот тармоғи ташкил этиляпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги "ZiyoNET" ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида"ги Қарори билан ушбу тармоқнинг ахборот ре-

тишга қўмаклашиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилган.

Ўтган йилнинг 20-23 сентябр кунлари бўлиб ўтган "Телекоммуникация ва ахборот технологиялари" Ўзбекистон халқаро кўргазмасида биринчи бор дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи бешта компания ўз дастурий маҳсулотларини намойиш қилди.

Ўзбек тилида иш юритишга имконият яратувчи дастурий маҳсулотлар тури кўпайиб бормоқда. 2005 йилнинг июли ойда 120000 сўзни ўз ичига олган ўзбек, рус ва инглиз тилидаги электрон изохли луғатнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фаолиятини жонлантириш, уларнинг профессионал мақсадларини химоя қилиш борасида 2005 йилнинг 23 декабрда "Ўзбекистон ахборот технологиялари корхоналари ассоциацияси Низоми" таъсисчилар томонидан тасдиқланди.

2005 йили 225 нафар тингловчи Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўлаб-қувватлаш (ЁДТҚК) маркази ўқув курсларини татомлади.

Жаҳон банкининг "Infodex" лойиҳаси доирасида Бизнес инкубаторлар ва технопарклар ассоциацияси билан ЁДТҚК маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Ушбу шартнома асосида тадбиркорларни қўлаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилаётган порталда "Тадбиркорларга ҳуқуқий маслаҳат" бўлимини ташкил этиш ва уни амалга ошириш ишлари няхосига етмоқда.

Марказнинг ўқув жараёнларини янада такомиллаштириш ҳамда хорижий компаниялар билан алоқаларни ривожлантириш учун Марказ қоида "Microsoft" корпорациясининг IT-Академиясини ташкил этиш ишлари амалга оширилди. ЁДТҚК марказида Microsoft Share Point Portal дастурий

маҳсулоти асосида Электрон ҳужжат айланмаси жорий қилинди. Болалар энциклопедияси, рассомлар ва музейлар веб-сайти яратилди.

2005 йил Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш 106,06 млрд. сўмини ташкил қилди. Бюджет маблағлари ҳисобига "Тошкент телеминораси"ни таъмирлаш учун 380 млн. сўм, "Оммавий телекоммуникация соҳасидаги мониторинг маркази" учун телерадиодастурларини архивлаштириш қурилмаларини сотиб олишга 500 млн. сўм, АКТ маркази учун сервер қурилмаларини сотиб олиш лойиҳасига 120 млн. сўм маблағ сарфланди.

лар соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳлари телефон алоқаси, мобил ва радиоалоқа воситалари билан тўлиқ таъминланди.

Агентлик корхоналарида дебитор қарздорлик 28,5 млрд. сўмини ташкил этади. Шу жумладан, алоқа хизматлари учун қарздорлик 7,5 млрд. сўмдан иборат бўлди. Бу 2005 йилнинг дастлабки ойларига солиштирилганда 1,0 млн. сўмга ошган. Муддати ўтган қарзлар йўқ. Кредитор қарздорлик 21,2 млрд. сўмини ташкил қилади. Бу қарздорлик 2005 йил бошига нисбатан 3,1 млрд. сўмга камайди.

Соҳа раҳбари, шунингдек, йўл қўйилган камчилик ва келгуси режаларга ҳам тўхталиб ўтди.

режалар белгиланди

Чет эл сармояларини жалб этиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. "NEC" компанияси томонидан техник марказ ташкил қилинди. "Huawei" компаниясининг Марказий Осиёда ягона техник ўқув марказини ташкил этиш бўйича ҳамда Майлазиянинг "Unified Communication Sdn Bhd" ва "Pernec Corporation Berhad" компаниялари билан қўшма корхоналар тузиш бўйича шартномалар имзоланди.

"Siemens" AG компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ Тошкент шаҳрида 32 минг портга мўлжалланган рақамли коммутиция қурилмалари ўрнатилди. Тармоқда қарийб 43 йилдан буён фойдаланиб келинган декадали 77 ва 47-АТСлар рақамли телефон станцияларига алмаштирилди. Натижада мазкур телефон станциялари абонентларига энг сифатли алоқа хизмати ва Интернет тармоғига улашиш учун имконият яратилди.

Мазкур компания билан қўшимча сизими 63 минг портга тенг рақамли коммутиция қурилмаларини келтириб бериш бўйича шартнома имзоланганди. Бугунги кунда ушбу шартнома бўйича монтаж қилинган рақамли телефон станцияларида сивнов ишлари олиб борилмоқда.

"Huawei" компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ Тошкент шаҳридаги декадали ва координат русумли АТСлар замонавий рақамли телефон станцияларига алмаштирилди.

"Alcatel" компанияси билан сизими 78 минг портга тенг рақамли коммутиция қурилмаларини келтириш бўйича шартнома тузилиб, 125, 133, 144, 152-телефон станциялари ҳудудида истикомат қилувчи аҳолининг телефон алоқасига бўлган талабини қондириш учун абонент концентраторини қуриш режалаштирилган. Шунингдек, ушбу шартномага кўра Тошкент шаҳридаги 29, 42, 78-аналогий телефон станцияларини рақамли телефон станциялари билан алмаштириш ва шаҳардаги махсус алоқа боғламасини реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Алоқа ва ахборотлаштириш тизимида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари "Соҳа ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Дастури"га асосан олиб борилмоқда. Ҳисобот даврида 2367 нафар соҳа мутахассисининг малакасини оширилди. Бундан ташқари 1258 нафар оммавий касб эгаси жойлардаги малака ошириш курсларида ўқиди.

Агентлик тизимидаги акциядорлик компаниялари, корхона ва ташкилотларда 37,9 минг нафар ходим ишлайди. Уларнинг ўртча ойлик иш ҳақи 79 минг сўмдан иборатдир.

"Сихат-саломатлик" йили давлат дастурининг бажарилиши бўйича Агентлик тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан 2005 йилда зарур ишлар олиб борилди. Бу мақсадлар учун 477,0 млн. сўмдан ортик маблағ сарфланди.

Алоқачиларнинг 5310 нафар фарзанди ёғи дам олиш оромгоҳларида дам олди.

Республика бўйича мавжуд 613та бола-

2005 йилда почта алоқаси корхоналари томонидан пенсия ва нафақа пуллари ўзлаштириш бўйича 24 ҳолат аниқланиб, жами 254,7 млн. сўм микдорига маблағ ўзлаштирилган. Жавобгарларга нисбатан тегишли чоралар қўрилган. 31 нафар ходим вазифасидан бўшатирилган, 31 нафар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган, 13 нафар ходимга нисбатан маъмурий ва моддий чоралар белгиланган.

Кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича корхоналарга келиб тушаётган асосли мурожаатлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,6 фоизга камайган. Почта алоқаси бўйича шикоятлар сони 24,6 фоизга, электралоқаси тармоғида эса 4,6 фоизга камайган.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг ҳудудий филиалларидаги мавжуд 2980та почта алоқаси бўлимларининг 2725таси телефонлаштирилган. Телефонлаштирилмаган 255та почта алоқаси бўлимларининг 46тасини "Ўзбектелеком" АК "Ўзбектелеком Мобайл" филиалининг симсиз алоқа тизими орқали, 159тасини уяли алоқа билан таъминлаш белгиланган. Қолган 50та алоқа бўлимини телефон алоқаси билан таъминлаш учун хозирча техник имконият мавжуд эмас.

Ҳозирги кунда республикамиздаги 9700та умумтаълим мактабининг 5181таси, 852та касб-ҳунар коллежининг 838таси, 933та касалхонадан 867таси, 752та поликлиникадан 743таси, 3491та кишлоқ врачлик пунктидан 1506таси, 6302та болалар богчасидан 3009таси телефон алоқаси билан таъминланган.

2006 йилда Агентлик тизимидаги корхоналар олдига Ҳукумат томонидан қабул қилинган соҳани ривожлантиришга йўналтирилган муҳим қонун ва қарорларни, жорий йил бўйича Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни вақтида бажаришни таъминлаш, соҳани ривожлантиришга хоризг сармояларини жалб қилиш бўйича амалий ишларни олиб бориш, Тошкент шаҳар телефон алоқасини замонавийлаштириш ва реконструкция қилиш борасидаги ишларни жадаллаштириш, маҳаллий ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, пенсия ва нафақалар тўловларини аҳолига ўз вақтида ва тўлиқ етказиб бериш, "Ҳомийлар ва шифокорлар" йили давлат дастурида белгиланган тадбирларни тўлиқ бажариш каби қатор вазифалар турибди.

Мажлисида "Ўзбектелеком" АК бош директори Х.Муҳитдинов, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимовлар сўзга чиқиб, бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва муаммолар тўғрисида гапирди.

Йўналишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири Х.Мирзоидов иштирок этди.

Ҳайъатда қўрилган масала юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар инobatта олинган ҳолда қарор қабул қилинди.

Иzzат АХМЕДОВ

ОБУНА — 2006: ТАНЛОВ ЯКУНЛАРИ

Ғолиблар аниқланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Обуна натижаларига кўра, газетга 1500 нусхада тўлиқ бир йилга обуна ташкил этиш бўйича "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ филиаллари ва Агентликнинг ҳудудий бошқармалари орасида, афсуски, танлов шартини бажарганлар бўлмади. Туман ва шаҳар почта алоқаси тармоқлари орасида тўла бир йиллик 203 нусхада обуна ташкил этган **НАВОИЙ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИ ТАРМОҒИ** танлов ғолиби деб топилди ва **ВИДЕОМАГНИТОФОН** соҳиб бўлди.

Почта алоқаси бўлимлари ўртасида эса тўлиқ бир йиллик 102 нусхада обуна уюштирган **НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ 6-ПОЧТА АЛОҚАСИ БУЛИМИ УЯЛИ ТЕЛЕФОН** билан мукофотланди.



"Ўзбектелеком" АК филиаллари орасида "Xabar"га минг нусхадан ортик обуна ташкил этган "Ўзбектелеком" АКнинг "ҚОРАҚАЛПОҚ ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ **РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР** билан тақдирланди. **Мукофотлар муборак бўлсин!**

СУРАТЛАРДА: Совринларни топшириш маросими.

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Меъёрий ҳужжатлар талабларини бажармасдан

сифатли хизмат кўрсатиш мумкин эмас

2005 йил мобайнида Жиззах вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан ўтказилган ўрганишларда «Жиззах Телеком» филиалининг Пахтакор, Зарбдор, Фаллаорол телекоммуникациялар боғламалари ҳамда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Жиззах филиалининг Зарбдор, Зомин, Гагарин, Зафаробод, Ўсमत почта алоқаси тармоқлари қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан етарлича таъминланмаганлиги аниқланди.

Соҳага тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан етарлича таъминланмасдан ҳамда уларнинг талабларини бажармасдан туриб, сифатли хизмат кўрсатилиши тўғрисида сўз юритиш мумкин эмаслигига ўрганишлар давомида яна бир бор амин бўлдик.

«Жиззах Телеком» филиалининг Пахтакор телекоммуникациялар боғламаси (ТТБ)да доимий ҳаво босими остига қўйилган кабелларнинг ўчмас авария ҳолатида турибди. Фаллаорол ТТБда эса КСУ ускуна носоziлиги сабабли саккизта магистрал кабел доимий ҳаво босими остига қўйилмаган, КСУ ускуна носоziликлари қайд қилиш журнали юритилмаган. АТСларда профилактика ишлари олиб борилмаган, телефон носоziликлари бўйича тушган буюртмалар муддатларида бажарилмаган. Пахтакор ТТБда раҳбарнинг фуқароларни қабул қилишни қайд этиш дафтари тўлғазилмаган бўлса, Фаллаорол ТТБда 2005 йилнинг 3-чорагида корхона айби билан юзга келган иккита шикоят 16-шакл ҳисоботига киритилмаган.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Жиззах филиалининг Зомин, Зарбдор, Гагарин, Зафаробод ва Ўсमत почта алоқаси тармоқларининг хизмат кўрсатиш жойларида мижозлар учун маълумотларнинг тўлиқлиги таъминланмаган, 130-шакл кундалик дафтарларида учириб ёзиш ҳолатлари йўл қўйилиб, почтачилар ишини назорат қилиш бўйича 125-шакл сўровномаларни тарқатиш ишлари ташкил этилмаган. Фуқаролар билан ишлаш меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида олиб борилмаган. Зомин почта алоқаси тармоғида 2005 йил март ойда олти марта алоқа бўлимлари билан почта алмашинуви ўтказилмаган бўлса, Гагарин почта алоқаси тармоғида почта алмашинуви бешта ўрнига уч марта ўтказилган.

Жойларда келишилган ва тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар рўйхати бўла туриб, иш ўринларини қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан мажбурий тарзда етарлича таъминланмаслиги, ходимлар ўртасида мавжуд қонуний ва меъёрий ҳужжатларнинг ўқиб-ўрганилмаслиги, ходимларнинг ижро интизоми сулғистлиги ҳамда ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ендашишлари — камчиликларнинг тақоррий йўл қўйилишига сабаб бўлмоқда.

Жиззах вилояти Давлат алоқа инспекциясида ташкил этилган «Ишонч телефони» хизматида 2005 йилда келиб тушган мурожаатлари 2004 йилдаги солиштирилганда, корхоналар айби билан бўлган асосли шикоятлар сони 50 фоизга камайганини қўриш мумкин. Улар сони камайган бўлса-да, айрим ҳолларда истеъмолчилар ҳуқуқлари қўпол равишда бузилмоқда. Фуқароларнинг мурожаатларини қўриб қилишда локайдлик ва ўзйўлчиликка йўл қўйилишининг олдини олишда дастур бўлган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2005 йил 11 февралдаги «Агентлик тизимидаги акциядорлик компаниялар, жамиятлар, корхона, ташкилот ва муассасаларда фуқароларнинг мурожаатларини қўриб қилиш бўйича ишларни тубдан яхшилаш чоралари тўғрисида»ги фармойиши чиқарилган бўлса ҳам, «ЎзИ-Жиззах» филиали томонидан мазкур фармойиш талаблари тўлиқ бажарилмапти. Жумладан, Жиззах шаҳрида яшовчи Л.Синиҳанинг мурожаати ўрганиб чиқилганда шу нарсга аниқландики, фуқаро фойдаланиб келётган телефон рақами уни огоҳлантирмасдан ўчирилиб, қонун ҳужжатларида зид равишда ҳамда истеъмолчининг ҳуқуқларини қўпол равишда бузган ҳолда бошқа фойдаланувчига бериб юборилган. Жиззах вилояти Давлат алоқа инспекциясининг араслувида сўнг Л.Синиҳанига тегишли телефон рақами қайтариб берилди.

Ҳулоса қилиб айтилган бўлса, иш жойларини қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш ҳамда уларга қатъий амал қилиш орқали камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг қайта тақорланмаслигига эришиш лозим.

Ойбек ДОБИЛОВ,
Жиззах вилояти ДАИ бошлиғи

DUNYO BIR TUGMASHA-YU...



Yangiliklar

Xabarlar

Voqealar

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низом»нинг 49-банди ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2006 йил 2 февралдаги «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятларни лицензиялаш тўғрисида»ги 3-Л-сон буйруғига асосан 2006 йил 2 февралдан қуйидаги лицензияларнинг амал қилиши тўхтатилди:

«Алоқа таъмир қурилиш» кўп тармоқли корхонасига (Андижон шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000063 рақамли;

«ERKIN KAPITAL» масъуляти чекланган жамиятга (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотларни узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга берилган АА серияли 0001010 рақамли;

Шамшидинов Саломдин Тажиловичга (Наманган вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотларни узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга берилган АА серияли 0000371 рақамли;

Насиров Алишер Акрамовичга (Самарқанд вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотларни узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга берилган АА серияли 0000628 рақамли;

Ким Александр Виталевичга (Самарқанд вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотларни узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга берилган АА серияли 0000736 рақамли.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низом»нинг 48-бандига, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2006 йил 13 февралдаги «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятларни лицензиялаш тўғрисида» 5-Л-сон буйруғига асосан «O'zbekim Toponasi» масъуляти чекланган жамиятга (Тошкент шаҳри) радиодастурларни тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган РТ серияли 0000094 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2006 йил 13 февралдан тикланди.

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидаги техника-гараж жамияти тугатилди. Барча эътирозлар газетада эълон чоп этилганидан сўнг икки ой мобайнида қабул қилинади.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Аския кўчаси, 29-уй.

МУБОРАК ҲАМАСНИ ҚАБУЛ ҚИЛМАДИ

Миср Президенти Хусни Муборак Фаластиндаги зиддиятларда томонларни муроасага чорлаётган Миср разведка хизмати бошлиғи Умар Сулаймонга ҲАМАС ҳаракати вакиллари билан учрашмасликни буюрди.



Фаластин парламенти сайловларида ғолиб чиққан радикаллар бундан бир ой муқаддам мамлакатнинг янги маъмуриятини ташкил этиш борасида Миср ҳукуматининг мададида умид қилишарётганини билдиришганди. Аммо уларнинг делегациясини қабул қилишга расмий Қоҳира ҳозирча розилик билдирганича йўқ.

Кузатувчилар бу ҳолатни Миср ҳукумати ҲАМАСчилар олдига ўз ғоявий йўналишини қайта кўриб чиқиш, Исроилга нисбатан зўравонлик муносабатларидан воз кечиш ҳамда илгари ФАТХ ташкилоти ҳукумат тепасида турган пайти келишилган икки томонлама битимларга амал қилиш талабларини қўяётганлиги билан изоҳлашмоқда.

Миср ҳукумати ҳазолари, шунингдек, ҲАМАС ҳаракати вакиллари музокарага таклиф этиш истагида бўлган Россия ва Туркияни танқид остига олишган. Уларнинг фикрича, Мисрнинг бу жараёндаги қатъий позицияси Фаластин мухторияти ва Исроил ўртасидаги муносабатларни юмшатишда катта рол ўйнайди.

ВИЗА БЕРИШ ТЎХТАТИЛДИ

Россия Федерациясининг Грузиядаги элчихонаси консуллик бўлими 2006 йилнинг 21 февралдан Грузия фуқаролари учун (инсонпарварлик хусусиятига эга ҳолатлар бундан мустасно) виза расмийлаштиришни тўхтатди.

Элчихона вакиллари Россия ҳарбий базалари ва объектларини Грузия худудидан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги шартномада белгиланганига қарамай, россиялик ҳарбий хизматчиларнинг мамлакатга кириб-чиқиш тартиби борасидаги бандлар бузилаётгани, хусусан, Грузия томони россиялик ҳарбийларга виза беришда йил давомида сунъий қийинчиликлар туғдириб келаётганини ана шундай мажбурий чора қўрилишига сабаб қилиб кўрсатишган.



МОЗАМБИҚДА КУЧЛИ ЕР СИЛКИНИШИ

23 феврал куни Ҳинд океанининг Мозамбик қирғоқлари яқинида Рихтер шкаласи бўйича 7,5 балл кучга эга ер силкиниши кузатилган.

Натижада зилзила эпицентридан 230 километр узоқликда жойлашган Бейра шаҳридаги бир неча биноларга зарар етган. Ҳозир қурбонлар сони аниқланмоқда.

Ер ости силкинишлари ўз навбатида мамлакат пойтахти — Мапуту ҳамда бошқа шаҳарларда яшовчи аҳоли орасида хавотирнинг кучайишига ҳам сабаб бўлди.

Associated Press агентлигининг маълум қилишича, ер ости силкинишлари шунингдек, Жанубий Африка Республикаси ва Зимбабведа ҳам сезилган.

ТУРКИЯ МУДОФААГА ТАЙЁРЛАНЯПТИ

Туркия мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан ҳимоя (XXX) тизими етказиб берувчилар учун тендер эълон қилди. Танлов Россиянинг С-300 ПМУ-2 «Фаворит» зенит-ракета мажмуи, Американинг «Patriot» ҳамда АҚШ-Исроил ҳамкорликда чиқараётган «Arrow-2» тизимлари ўртасида ўтказилган.

XXX тизимини модернизациялаш дастурига биноан яқин радиусда ҳаракатланувчи тизимларни ишлаб чиқиш ва узоқ масофани назорат қилувчи чет эл ҳарбий техника мажмуаларини сотиб олиш кўзда тутилган.

Тузиладиган шартнома қиймати 800 миллион долларга тенг, деб баҳоланяпти. Дастурнинг биринчи босқичи доирасида Туркия тўртта зенит-ракета мажмуини сотиб олишни режалаштирган.

Туркия армияси «Patriot» тизимидан фойдаланиш борасида тажрибага эга — америкаликлар Ироққа қарши биринчи ва иккинчи урушни очган пайтида Туркияни ҳам ушбу қурилмалар билан таъминлаганди.

Ҳозир минтақада сиёсий вазият барқарор эмас. Мабодо АҚШ Эронга қарши уруш эълон қилса, Форс давлати АҚШнинг иттифоқчиларига, жумладан, Туркияга ҳам ракета ҳужуми уюштириши мумкин. Шу боис турклар XXX тизими ислохотларини ўтказишга мажбур бўлишяпти.

БУШ ЭНЕРГЕТИКА ИНҚИЛОБНИ АМАЛГА ОШИРМОҚЧИ

Президент Буш энергетика соҳасида улкан сакраш сиёсатини амалга оширишга ваъда берди. У мазкур ўзига хос инқилобнинг асосий тамойиллари хусусида ўтаётган ҳафтанинг дастлабки кунлари АҚШнинг энергетика марказларига қилган ташрифи чоғида сўз юритган. Ислохотларни ўтказишдан мақсад эса — мамлакат иқтисодиётининг чет эл нефтига боғлиқлигига барҳам беришдир.

Жорж Бушнинг таъкидлашича, АҚШда ишлатилаётган хом нефтнинг 60 фоизи бошқа мамлакатлардан сотиб олинган. Аммо бу давлатларнинг аксариятидаги ҳукуматлар «барқарор» эмас, бунинг устига, Қўшма Штатлар билан уларнинг нуктаи назарлари борасида ҳам катта тафовут бор.

Президентнинг айтишича, асосий эътибор автомобиллар учун электр энергияси ва газ асосида ишловчи кичик аккумуляторларни ишлаб чиқаришга қаратилади. Буш, шунингдек, экологик тоза манбалар, масалан, ёғоч кириндиси асосида целлюлоза этаноли — суяқ ёнилғи олишни ҳам



ривожлантирмоқчи.

Энергетика компаниялари ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш учун ку-

рашувчи ташкилотлар Президентнинг ташаббусини қўллаб-қувватлашмоқда. Аммо улар амалга оширилажак ишлар кўламини янада кенгайтириш зарурлигини таъкидламоқдалар. Масалан, автомобил ёнилғисининг самардорлик стандартини ошириш, ҳайдовчилар бўлар-бўлмасга машиналаридан фойдаланмасликлари учун бензин солиғини ошириш лозим қабилдаги таклифлар ҳам билдирилган.

Агар ёдингизда бўлса, АҚШда энергетика инқирози 2003 йилнинг ёзида рўй берган ва ўшанда Нью-Йорк ҳамда буй берган ва ўшанда Нью-Йорк ҳамда буй қанча ҳудудлар электр энергиясиз қолганди.

Ҳамжиҳатлик — муваффақият гарови

Қайси жамоада бошни бириктириб, умумий мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилинсагина, кўзланган манзилга етиш осон кечади. «Ҳамкорликда ҳикмат кўп» деганларидек, тили-ю иши бир жамоани шакллантира олган инсонлардан бири — «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали Хонқа почта алоқаси тармоғи бошлиғи Баҳодир Юсуповдир. Яхши ташкилотчилиги туфайли корхона фаолиятини тўғри шакллантирган ва иш юритишда рағбатлантириш услубини кенг қўллаётган тармок раҳбари пировард натижада корхонанинг даромадини оширишга замин туғдирди.

Хоразм филиали бўйича Хонқа почта алоқаси тармоғи кейинги йилларда юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда. Ўтган йили мазкур корхона 100 миллион сўмга яқин даромад олишга эришди. Асосий даромад пенсия ва нафақаларни манзилларга етказишдан тушди ва у 51 миллион сўмдан ошиб кетди.

Шунингдек, газ ва электр энергияси тўловлари ҳисобига тушган даромад 24,7 миллион сўмга тенг бўлди.

Газета ва журналларга обуна қилиш бўйича ўтган йилга нисбатан 27 фоиз ўсишга эришилди. 2006 йил учун аҳоли ва ташкилотлар газета-журналларга 2751 нусхада, яъни 41 миллион

сўмлик обуна қилинди. Оператор Умид Шарипов, йуриқчи Шавкат Турдиевларнинг саъй-ҳаракатлари билан обуна яхши ташкил этилди. Бибижон Ваисова ва Бозорбой Авазатов бошлиқ «Зинахос» ва «Жирмиз» алоқа бўлими жамоалари ҳам обуна мавсумида алоҳида ўрнатилган кўрсатишди. Почтачилардан Тоҳир Собиров ва Назира Ибодуллаевалар энг фаол обуна тўловчилар, деб тан олинди.

— Ишчи-хизматчиларимизни ижтимоий муҳофаза қилиш учун жамоамиз даромад олиш ҳажмини муттасил ошириб бориши лозим бўлади, — дейди Хонқа почта алоқаси тармоғи бошлиғи Баҳодир Юсупов. — Бунинг учун хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришимиз ва кенгайтиришимиз, аҳоли, корхона ва ташкилотларга замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда сифатли почта хизмати тақдим қилишимиз даркор. Интернет-кафе, электрон почта ва бошқа хизмат турларини жорий этиш ҳисобига миқдорларга қулайликлар яратилса, белгиланган режаларга эришиш мумкин. Замон билан ҳамнафас иш юритиш, албатта, яхши натижаларга етаклайди. Шу билан бир қаторда ишчи-хизматчиларни ҳам рағбатлантиришни унутмаслик лозим. Қилган меҳнатига яраша эътиборда бўлган ходимлар янада юқори марраларни эгаллашга интилиши билан бирга бошқаларни ҳам ўз ортидан эргаштиради.

Почта соҳасининг ҳам ўзига яраша муаммолари бор. Уларни бартараф этишда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бош директори Рустам Қосимовнинг ёрдами сезилмоқда. Хонқа почта алоқаси тармоғи янги компютерлар билан таъминланди, ундаги эски тарозилар аста-секин замонавийларига алмаштирилмоқда. Жамоада ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ
Хоразм вилояти



Суратда: Хонқа почта алоқаси тармоғи бошлиғи Баҳодир ЮСУПОВ, оператор Валентина ЛИ ва тажрибали почтачи Назира ИБОДУЛЛАЕВА.

Бу илмий марказ Денов шаҳрида фаолият кўрсатмоқда. Кейинги уч йил ичида бу ерда миқдорларга кенг имкониятлар яратилди. Энг муҳими, ёш мутахассис Шамсиддин Жумаевнинг тадбиркорлиги эвазига йиғилмада янги иш ўрни очилди. Ҳозир аҳил жамоа ҳар хил буюртмаларни бажаряпти. Қайси хизмат турида бўлмасин, тезкорлик ва сифат бош мезонга айланган.

Албатта, бу фақат айтишгагина осон. Ваҳоланки, компютер, уяли телефон, касса аппарати каби замонавий ва мураккаб техникаларни таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ҳар қачон ҳам кўлидан келаврадиган иш эмас. «Сурхон» илмий марказида иқтидорли мутахассислар жам бўлишган. Айниқса, Леонид Стебловнинг маҳорати юқори — у замонавий алоқа воситалари ҳамда электрон қурilmаларни тез ва сифатли таъмирлайди. — Бевосита илмий марказ ҳомийлигида Тошкент шаҳрига бориб, малака ошириб қайтдим, — дейди Леонид Стеблов. — Олти ой мобайнида Япония ва Россия мутахас-

сисларидан таҳсил олдим. Уларнинг бой тажрибасини ўзлаштиришга ҳаракат қилдим.

Бу ўринда марказ раҳбари Шамсиддин Жумаевнинг ҳам шахсий намунасига эътиборни қаратсақ, фойдалан холи бўлмайди. Энг аввало, у «Мен раҳбарман», деб керилмайди. Аксинча, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ буюртмаларни бажаришда жамоада ҳамнафас бўлиб туради.

Шамсиддин Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳридаги «Марс» илмий марказида ишлаётган пайти ўзининг изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан назарга тушди. Сурхондарёда ҳам шу сингари марказ очиниши мўлжаллаганида, Денов тумани ҳокимлиги унга ишонч билдирди ва маҳаллий мутахассиснинг интилишларини қўллаб-қувватлади. — Кадрларни танлов асосида сифатимизга қўшиб олдик, — дейди Шамсиддин Жумаев биз билан суҳбатда. — Уларнинг соҳани қай даражада билиши баробаринда интеллектуал салоҳияти ҳам алоҳида ўрганилди. Натижада ҳар томонлама етук ёшлар жамоаси вужудга келди.

Қувонарли жиҳати шундаки, илмий марказ аъзолари фаолияти Вазирилар Маҳкамасининг «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш-

га муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Ўтган қисқа муддат мобайнида марказ томонидан жамоалар, билим масканлари ҳамда баъзи оилаларга 300та компютер келтирилиб берилди. Уларни ўрнатиб бериш ва дастурлаш ҳам шу хизмат доирасида амалга оширилди. Энг муҳими, буюмини сотиб олганларга бепул маслаҳат берилгани ҳолда, ўрнатилган компютер бир йилгача имтиёзли хизмат кафолати билан ҳимояланган.

«Сурхон» илмий маркази ёшларга компютер саводхонлиги бўйича таълим берувчи ўқув юртлири билан шартнома асосида иш-ламоқда. Хусусан, Денов педагогика касб-хунар коллежи билан ўрнатилган ҳамкорлик эътиборга лойиқ. Ҳозир коллеж талаба-ёшларининг кўпчилиги компютер саводхонлиги борасида анча кўникмага эга бўлишган.

Айни пайтда маҳаллий ёшларга ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини пухта ўрганишлари учун ҳомийлик ёрдами кўрсатилаяпти. Аслиддин Жалолов шу йўл билан нозик касб сирларини эгаллаб қайтди ва жамоада ўз ўрнини топти. Обиджон Эшнӣезов эса илмий марказ ҳомийлигида Тошкент давлат техника университетининг магистратурасида таҳсил оляпти.

— Биз бу каби саъй-ҳаракатларимиз билан илмий марказ истиқболига ҳам замин яратяптимиз, — дейди Шамсиддин Жумаев. —

TATU FILIALLARI HAYOTIDAN

Яқинда Фарғона шаҳри марказидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши биноси талаба-ёшлар билан гавжум бўлди. Бу ерда ўқув юртлири ўртасида ўтказилаётган «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг 2-мусиқий фестивали бўлиб ўтди.

Мақсад — истеъдодлиларни қўллаб-қувватлаш

Танловда Фарғона давлат университети «Зиё», Фарғона политехника институтининг «Муҳандис», Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалининг «Анти-вирус», Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг «TATU», Қўқон педагогика институтининг «Истеъдод» жамоалари ўзаро беллашди. Танловнинг «Тақлимимиз — ташрифимиз» деб номланган биринчи шартда жамоалар ўзлари таҳсил олаётган ўқув юртининг қисқача тарихи, факултетлар, фан йўналишлари ва ихтисосликлар бўйича маълумот бердилар. «Агарда...» деб номланган иккинчи шартда мантйқий савол-жавоблар асосида ёшларнинг топқирлиги, зукколиги, ҳазил-мутойибага мойиллиги, дунёқарши, ҳозирги кун муаммоларига муносабатлари синаб кўрилди. «Кулиш шарт эмас» деб аталган учинчи шартда эса кичик сахнавий кўринишлар орқали ҳаётимизда учраб турадиган иллат ва камчиликлар танқид остига олинди.

Аниқ мақсадни қўллаб, астойдил қилинган тайёргарлик ҳеч қачон бесамара кетмайди. Қолаверса, бундай беллашуларда бадий адабиёт, санъатга оид маълумотлардан хабардорлик, сўз бойлиги, маданий мулоқот, айниқса, сахна талабларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиш муҳим рол ўйнайди.

Беллашуларда «TATU» жамоаси танлов шартларининг ҳар бирига жиддий тайёргарлик кўргани маълум бўлди. «Тақлимимиз — ташрифимиз» шартига жавобан видеотасвир воситасидан фойдаланган ҳолда сахнага чиқиб келиш лавҳаси, ижро маҳорати, сахна маданиятига риязатли этилиши томошабилларда яхши таассурот қолдирди. Бу каби

ижобий ҳолатлар кейинги шартлар ижросида ҳам намоеён бўлди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, сахна — муқаддас жой. Унинг катта-кичиги бўлмайди. Сахнада ижро этилаётган ҳар бир кўриниш, ҳолат олам-олам маъно ташиши, тарбиявий, маърифий аҳамият касб этиши зарур. Ҳар бир сўз олдиндан пухта ўйланган, асосий фойга бўйсундирилган ҳолда ифодаланиши керак. Айрим жамоаларнинг чиқишларида баъзан ана шу мезонлар озгина унутилди ҳам.

Кескин тортишулар остида ўтган беллашуларда «TATU» жамоаси 135 балл билан — биринчи, Қўқоннинг «Истеъдод» жамоаси 131 балл билан — иккинчи, ФДУнинг «Зиё» жамоаси 130 балл билан — учинчи ўринни эгаллади.

Кўрик-танловни муваффақиятли ўтказишда «Камолот» ЕИХ вилоят Кенгаши мутасаддиларининг хизматлари ҳам таъкидлаб ўтиш зарур.

— Танловдан мақсад — талаба-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига ёрдам бериш, олий ўқув юртлирида таҳсил олаётган йигит-қизлар орасидан истеъдодлиларини танлаш, аниқлаш ва юзга чиқаришдан иборатдир, — деди «Камолот» ЕИХ вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари Тоҳиржон Шокиров.

Фолиб деб топилган «TATU» жамоаси энди навбатдаги босқинда вилоятнинг касб-хунар коллежлари ўртасидаги мусобақалар галиби бўлиб учрашади. «TATU» жамоасига ушбу беллашуларда ҳам омад ва муваффақиятлар тилаймиз!

Набижон СОЛИЕВ,
TATU Фарғона филиали
кутубхонаси директори

«Сурхон» илмий марказида

Келгусида хизмат турларини кўпайтириш, соҳани ривожлантириш билан боғлиқ ихтиролар яратиш ниятимиз бор.

Дарҳақиқат, бу йўлда дастлабки изланишлар олиб борилмоқда. Илмий марказнинг замонавий турдаги лабораторияси лойиҳасини тайёрлаш ва қурилишини молиялаштириш чора-тадбирлари кўриляпти. Тўғри, бу йўлда баъзи муаммолар ҳам учраб туради. Жамоанинг катта миқдордаги имтиёзли кредит олишига ҳадеганда рўйхушлик билдирилмаяпти. Агар ёш мутахассислар қўллаб-қувватланса, эзгу мақсад йўлида туб ўзгаришлар қилиниши тайин. Ҳозир вилоятнинг Денов, Шўрчи, Қўқоннинг ва Шеробод туманларида илмий марказнинг худудий бўлимлари ташкил этилган. Тез орада Термиз шаҳрида ҳам шундай марказни очил режалаштирилган. Бошқа туманларда ҳам бу ишни босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилган.

Демак, яқин вақт ичида вилоятда компютерларни келтириш ва ўрнатиш ҳамда уяли алоқа воситаларини таъмирлаш билан боғлиқ баъзи муаммолар тўла ўз ечимини топади. Деновдаги «Сурхон» илмий марказининг истиқболига шундай катта умид ва ишонч билан боқсак бўлади.

Нортожи ЗИЁЕВ
Сурхондарё вилояти

Новости в сфере ИКТ

Назначен новый директор

Новым директором филиала UzNet АК «Узбектелеком», который является крупнейшим Интернет-провайдером Узбекистана, назначен Алишер Отакузиев. До этого назначения он занимал должность начальника Мирзо-Улугбекского телефонного узла связи филиала «ТШТТ», а до апреля 2005 г. - должность заместителя гендиректора АК «Узбектелеком».

18.30 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус)
19.20 Сериал «Гибель империи» 6-серия
20.30 «Судьба»
21.00 Узбек наволари
22.00 Комелия по понедельникам «Любовь по правдам и без»
00.20 Миксер

Сешанба

12.00 Марказ NEWS (узб)
12.20 Мирские хиты
13.00 Марказ NEWS (рус)
13.20 Сериал «Гибель империи» 6-серия
14.20 Узбек наволари
14.30 «Юдузали пайшанба» (повтор)
15.00 Телениан
16.00 Мирские хиты
17.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.20 Made in India

18.30 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус)
19.20 Сериал «Гибель империи» 7-серия
20.20 Мирские хиты
20.30 «Миссия невогторима»
21.00 Узбек наволари
22.00 Кино «Герой»
00.10 Миксер

Чоршанба

12.00 Марказ NEWS (узб)
12.20 Узбек наволари
13.00 Марказ NEWS (рус)
13.20 Сериал «Гибель империи» 7-серия (повтор)
14.20 Узбек наволари
14.30 «Кинокурьер» (повтор)
15.00 Телениан
16.00 Спецрепортаж
16.20 Узбек наволари
17.00 «Судьба» (повтор)
17.30 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.20 Made in India
18.30 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус)
19.20 Сериал «Гибель империи» 8-серия
20.20 Концерт (повтор)
22.00 Лучшие фильмы всех времен «Король-рыбак»
00.20 Миксер

Пайшанба

12.00 Марказ NEWS (узб)
12.20 Узбек наволари

13.00 Марказ NEWS (рус)
13.20 Сериал «Гибель империи» 8-серия (повтор)
14.20 Мирские хиты
14.30 «Миссия невогторима» (повтор)
15.00 Телениан
16.00 Узбек наволари
17.00 Час «Пин» «В поисках мумий» (повтор)
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.20 Made in India (новости из Болдува)
18.30 Мирские хиты
19.00 Марказ NEWS (рус)
19.20 Сериал «Гибель империи» 9-серия
20.20 Узбек наволари
20.30 «Юдузали пайшанба»
21.00 Узбек наволари
22.00 Кино «Шестой день»
00.20 Миксер

Жума

12.00 Марказ NEWS (узб)
12.20 Узбек наволари
13.00 Марказ NEWS (рус)
13.20 Сериал «Гибель империи» 9-серия (повтор)
14.20 ТОП-10 (повтор)
15.00 Телениан
16.20 Мирские хиты
17.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.20 Made in India
18.30 Мирские хиты
19.00 Марказ NEWS (рус)
19.20 Сериал «Гибель империи» 10-серия
20.20 Спецрепортаж (повтор)

20.40 ТОП-20
21.20 Узбек наволари
22.00 Кино «Нечего терять»
23.50 Миксер

Шанба

12.00 TOTAL NEWS (узб)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус)
13.20 Мирские хиты
14.00 Звездная дорожка
14.30 «Судьба» (повтор)
15.00 Телениан
16.40 Мирские хиты
17.00 «Миссия невогторима» (повтор)
17.30 Узбек наволари
18.00 TOTAL NEWS (узб)
18.20 Мирские хиты
18.30 «Кинокурьер»
19.00 TOTAL NEWS (рус)
19.20 Индийское кино
20.40 Мирские хиты
21.00 Узбек наволари
22.00 Кино «Гроу»
00.50 Миксер

Якшанба

12.00 TOTAL NEWS (узб)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус)
13.20 ТОП-20 (повтор)
14.00 Мирские хиты
14.30 «Юдузали пайшанба» (повтор)
15.00 Телениан
16.20 Концерт «Тарона-шоу»
18.00 Спецрепортаж
18.20 «ТОП-10»
19.00 Индийское кино
20.20 Узбек наволари
22.00 Кино (тега голоавание)
24.00 Миксер

ALOQA OLAMIDA



3 GSM конгресси якунланди

Барселонада Бутунжаҳон 3 GSM конгресси якунланди. Унда "Nokia", "Motorola", "Pantech", "Samsung", "Sony Ericsson", "Benefon", "HTC", "BenO-Siemens" ва "LG" сингари компаниялар ўзларининг янги технологиялари билан иштирок этди.




"Motorola" ва "Microsoft" компаниялари ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзолашганини эълон қилиши ва бундан буён Windows Media технологияси асосида янги русумдаги мобил телефон аппаратлари ишлаб чиқариладиган бўлди.

Шунингдек, "Microsoft" компанияси электрон почтани портатив қурилмаларга бир зумда етказиб берувчи хизмат турининг тақдимотини ўтказди.

Мобил телевидение эфирда

Буюк Британиянинг "Virgin Mobile" компанияси Европа уяли алоқа операторлари орасида биринчи бўлиб ўз мижозларининг телефон аппаратларига теледастурларни трансляция қилишни бошламоқчи. "Associated Press" агентлигининг хабар беришича, "BT Group" телекоммуникация компанияси билан битим тузилганлиги ушбу хизматни йўлга қўйиш учун имконият яратди.



"Virgin Mobile" компанияси жорий йилнинг сўнги чорагидан "BT Movio" мобил телекўрсатувлари ва радиохизматларини қабул қилишга мўлжалланган телефон аппаратлари ("Trilogy") савдосини йўлга қўяди.

Мобил телевидение Жанубий Кореяда яхши ривожланган бўлиб, эндиликда Европа ва АҚШга ҳам кириб келмоқда. Яқинда Францияда ҳам T-DMB стандартидаги мобил теледастурлар хизмати ишга тушади. Ушбу лойиҳа устидаги ишлар 2005 йилнинг июлидан буён "Samsung Electronics" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган эди.

Ҳар саккизинчи россиялик интернетдан

2005 йилнинг якуний ҳисоб-китобларига кўра, Россияда Интернетдан фойдаланувчилар сони 22 миллион нафарга етган. Ишлатилаётган компьютерлар сони эса 17 миллиондан ошиб кетди — бу 2004 йилдагидан 16 фоиз кўпдир.

фойдаланади

Айни пайтда Россия иқтисодиётига таққослаганда, мамлакатда ахборот ва коммуникация технологиялари соҳаси илдам ривожланмоқда ва бу борадаги йиллик ўсиш суръати ўртача 20 фоизни ташкил этапти. 2005 йили мазкур соҳадан олинган умумий даромад триллион рублга яқинлашди. Ахборот технологиялари тизимининг бу борадаги улуши 300 миллиард рублдан ошди.

Соҳа ходимлари меҳнат билан банд аҳолининг 2 фоизини ташкил этган ҳолда, уларнинг Россия иқтисодиётидаги улуши 18 фоизга етган.



Видеомаркалар сотувда

Нидерландия почта хизмати ҳаракатланувчи тасвирлар туширилган ноодатий почта маркаларини савдога чиқарди. Маркаларда 1972 йили Саппорода ва 1988 йили Калгаридида ўтказилган Қишки олимпия ўйинларининг телеанслацияси, аникрофи, ўша мусобақаларнинг конкида югуриш беллашувларида олтин медалларни қўлга киритган нидерландиялик Ард Шенк ҳамда Ивонн ван Геннип тасвирланган.

Маркаларни яратишда кўриш бурчагини ўзгартирганда тасвирлар ҳам ўзгарадиган. Кўпчилигимизга болалигимиздан таниш бўлган чўнтак календарларини яратишда қўлланган технологиялардан фойдаланилган. Ушунда тасвир икки хил кўринишга ўзгарган бўлса, энди компьютер ёрдамида мутаносиб видеоматериалларга ишлов бериш имкониятлари пайдо бўлгани ҳамда линзооптик чоп этиш технологияларининг ривожланганлиги боис деярли ҳақиқий видеотасвирлар яратишга эришилди.

Номинали 0,39 евро бўлган маркалар фақат буюртма бўйича ишлаб чиқилади, аммо улардан хат жўнатишда фойдаланиб бўлмайди. Чунки маркалар қалин бўлганлиги учун уларни хатжилдга ёпиштиришнинг иложи йўқ. Бунинг устига, уларнинг устидан тамга босиш мумкин эмас.

Кун тартибида тармоқ холислиги масаласи

АҚШ Сенатининг тижорат масалалари кўмитасида интернет-провайдерлар учун тармоқ холислиги (нейтраллиги) тамойили масаласи кун тартибидан ўрин олди.

Тармоқ холислиги тамойилининг моҳияти шундан иборатки, интернет-провайдерлар ўз тармоқлари орқали ўтаётган ҳар қандай трафикка, уларнинг қайси манбадан олинаётганлигидан қатъи назар, бир хил — холис муносабатда бўлишлари лозим. Бироқ бу ҳолат провайдерларни қониқтирмапти. Улар қайси трафикни юқори тезликда, қайсисини паст тезликда узатишга мустақил тижорий муассаса сифатида ўзларининг тўла ҳақли эканликларини таъкидлашмоқда. Масалан, йирик порталларнинг сайтлари юкланишини кафолатланган тезликда таъминлаш учун провайдерлар томонидан ҳақ ундирилиши ҳам — шу муаммолар жумласига қиради.

Хуллас, Сенат аниқ бир тўхтамага келиши керак: ё тармоқ холислиги тамойилини муҳофаза қилишга қаратилган муайян қонун ишлаб чиқиш зарур ёки барча ихтиёрни провайдерларнинг ўзига қўйиб бериш керак. Музокараларда ҳар иккала томондан ҳам вакиллар қатнашади. Янги қонунни қабул қилиш тарафдорлари сафида Интернет асосчиларидан бири — ҳозирда "Google" компаниясида фаолият юритаётган Винтон Серф ва мустақил VoIP-провайдер — "Vonage" компанияси директори Жеффри Ситрон каби таниқли тadbиркорлар бор. Кабел саноати вакиллари, шу жумладан, провайдерларнинг саноат ассоциациялари раҳбарлари уларнинг муҳолифлари сифатида Сенат ишида иштирок этишади.

2005 йилнинг ноябр ойида Конгрессда ўтказилган музокараларда сўзга чиққан Винтон Серф тармоқ холислиги тамойилининг бузилиши Интернетга катта зарар етказиши мумкинлигини таъкидлаганди. Кўпчилик экспертлар ҳам шу фикрни ёқлаганлар. Тасавури қилиб кўринг, провайдерларнинг талаби худди транспорт вазирлиги муайян русумдаги автомобиллар ишлаб чиқарувчиларга уларнинг автомобиллари йўлда юрганлиги учун тўлов жорий этганига ўхшайди. Қисқаси, провайдерлар мижозларнинг янги тоифасини яратиш, янги даромад манбаини қўлга киритиш истагидалар. Нима бўлганда ҳам, Интернет ресурсларининг бирламчи ва иккиламчи тоифаларга ажратилиши Бутунжаҳон ахборот тармоғи келажагини ҳавф остига қўяди.

Компютер саводхонлиги




Интернетда ишлашни нимадан бошлаш керак?

(Охири. Аввали ўтган сонларда.) **1-ДАРС, 4-САБОҚ.**

Электрон почта дастури билан ишлаш

Электрон почта дастурлари ичида Outlook Expressда ишлаш жуда осон ва қулай. Уни ишга тушириш учун дастур (программа) белгисида «сичқонча» тугмачасини 2 марта боссангиз, экранда куйидаги ойна ҳосил бўлади:



Ойнанинг юқори қисмида меню буйруқлари (командалари) келтирилган. Кейинги сатрда усқуналар панели тугмачалари жойлашган. Электрон почта билан ишлашда усқуналар панели тугмачаларидан фойдаланиш жуда қулай. Шунинг учун куйида асосий тугмачаларнинг тавсифини келтирамыз:

- Хат ёзиш.**
- Келган хат муаллифига жавоб ёзиш.**
- Хатни бошқа манзилга юбориш.**
- Хатни кўрсатилган манзилга элтиш.**
- Хатни ўчириш.**

Ойнанинг пастки қисми бир неча дарчалардан иборат. Чап томондаги дарчада жилд (папка)лар рўйхати мавжуд. Бу жилдлар тавсифи куйидагича:


- Входящие** Сизга келган хатлар жойланади.
- Исходящие** Сиз ёзган хатлар жойлашади.
- Отправленные** Жўнатилган хатлар рўйхати келтирилади.
- Удаленные** Ўчирилган файллар сақланадиган сават.

Жилдга мос хатлар рўйхати ўнгдаги дарчада берилади. Пастда эса хат мазмуни кўрсатилади.

Хат ёзиш ва жўнатиш тартиби

Ҳамқасбнингиз ёки дўстингизга хат ёзиш учун **Создать сообщение** ёрлиги устида «сичқонча» тугмачасини босинг.

Натижада экранда куйидаги дарча ҳосил бўлади:




Кому майдонида Сиз хат ёзмоқчи бўлган кишининг электрон манзили ёзилади. Масалан, saida@hotmail.com.

Копия майдонида хат нусхалари юборилган муаллифлар адреслари келтирилади.

Тема майдонида хатнинг мавзусини кўрсатинг. Масалан, «таклиф».

Пастки дарчада хат ёзилади. Масалан: «Хурматли Саидохон, Сизни 5 январ соат 15.00 да корхонамизда ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулот тақдими-га таклиф этамыз. Манзил: Оромгоҳ кўчаси, 5. Эҳтиром ила корхона директори».

Хатни тўғри ёзганингизни куйидаги расм ёрдамида текшириб кўринг:



Энди хатни эгасига юбориш учун куйидагиларни бажаринг:

1. **Отправить** ёрлиги устида «сичқонча» тугмачасини босинг;
2. Хатнинг **Исходящие** жилдига тушганлигини текширинг;
3. **Доставить почту** тугмачасини босинг;
4. Хатнинг **Исходящие** жилдидан **Отправленные** жилдига тушганлигини текширинг.

Хатларни ўқиш

Сизга келган хатларни кўриш ва ўқиш учун куйидагиларни бажаринг:

1. **Доставить почту** тугмачасини босинг;
2. **Входящие** жилдини очинг;
3. Ўқилмаган хатлар рўйхатда тим қора рангда кўрсатилади;
4. Хатни танлаб, «сичқонча» тугмачасини боссангиз, хат мазмуни дарчада ҳосил бўлади;
5. Агар муаллифга жавоб юбормоқчи бўлсангиз, **Ответить автору** тугмачасини босишингиз керак;
6. Экранда муаллиф манзили кўрсатилган дарча ҳосил бўлади;
7. Жавобни ёзинг ва хатни одатдагидек юборинг.

Ҳужжатларни жўнатиш тартиби

Бирор ҳужжатни ёки график, аудио ва видеоли файлни хатга илова қилишингиз мумкин. Одатда ҳисоботлар, турли ҳужжатлар, расм ёки шунга ўхшаш маълумотлар илова ёрдамида жўнатилади. Ҳужжатларни тайёрланган дастур форматига жўнатган маъқул.



Масалан, Word ёки Excelда ишланган ҳужжатлар.

Расм, мультимедиа, аудио ёки видео ни ҳам ўз форматига юбориш зарур. Лекин бу файлларнинг ҳажми катталигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бунинг учун куйидагиларни бажаринг:

1. Хатда иловага изох келтиришингиз мумкин;
2. Сўнг **Del** тугмачасини босинг;
3. Экрандаги дарчадан ҳужжат жойлашган файл номини танланг ва **Вложить** тугмачасини босинг;
4. Хатни одатдагидек жўнатинг;
5. **Отправленные** жилдини очсангиз, юборган хатингиз ёнида илова белгисини кўрасиз.

Иловали хатни ўқиш

Иловали хатни очиш тартиби куйидагича:

1. Хатни одатдагидек очинг;
2. Хатнинг юқори ўнг қисмида ило-

ва белгисини «сичқонча» тугмачасини билан босинг;

3. Натижада илова қилинган файл экранда ҳосил бўлади.

Электрон почтадан фойдаланишга оид маслаҳатлар:

1. Хатни принтерда чоп этиш учун **Файл** менюсида **Печать** буйруғини киритинг;
2. Хатни алоҳида файлга ёзиб қўйиш учун **Файл** менюсининг **Сохранить как** ёки **Сохранить** буйруқларидан фойдаланинг;
3. Кераксиз хатларни **Del** тугмачасини ёрдамида ўчириш зарур;
4. Хатларни тартиблаш мумкин, бунинг учун **Сообщение** ва **Переместить** буйруқларидан фойдаланишингиз мумкин. Жилд **Файл**, **Папка**, **Создать** менюларини ёрдамида очилади;
5. Хатни топиш учун **Правка** менюсининг **Найти сообщение** буйруғидан фойдаланишингиз мумкин.;
6. Саваддаги хатларни баъзан ўчиришни унутманг.

Электрон почта дастурида клавиатура ёрдамида ишлаш

Тугмачалар мажмуи	Бажариладиган амал тавсифи
CTRL+N	Янги хат ёзиш мумкин.
CTRL+R	Хатга жавоб юборади.
ALT+S	Хатни жўнатади.
CTRL+M	Хатни муаллифга элтади.
CTRL+D	Хатни ўчиради.
CTRL+P	Хат нусхасини принтерда чиқаради.
Shift+BackSpace	Хатни бошқа манзилга элтади.

(Бунда, CTRL+N — CTRL тугмачасини босган ҳолда N тушунилади.)

Мисол тариқасида ўзингизга хат ёзиб кўринг:

1. **Outlook Express**ни ишга туширинг;
2. **Сообщение**, **Параметры**, **Сервер** менюлари ёрдамида ўзингизнинг электрон адресингизни аниқланг;
3. **Создать сообщение** тугмачасини босинг;
4. **Кому** майдонида компютерингизнинг e-mail адресини киритинг;
5. **Тема** майдонида «Тест» деб ёзинг;
6. Хат майдонида ихтиёрий маълумотни ёзинг;
7. Хатни жўнатинг;
8. Жўнатган хатингизни топиб, ўқиб кўринг.

NAZM GULSHANI

Атоқли қорақалпоқ шоири Ибройим ЮСУПОВ Чимбой туманидаги Озод қишлоғида зиёли оиласида 1929 йилда таваллуд топган. Узоқ йиллик ижодий, илмий фаолияти давомида И.Юсупов масъул вазифаларда ишлаб келди, Қорақалпоғистон Республикасининг етакчи газета ва журналларига муҳаррирлик қилди, Маънавият ва маърифат марказини бошқарди. Унинг шеърий тўпламлари қатор қардош тилларга таржима қилиниб, шеърият мухлисларининг кўнгил мулкига айланиб кетган, ўнлаб асарлари мактаб дарсликларидан жой олган. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов 2004 йили "Ўзбекистон Қаҳрамони" фахрий унвонига сазовор бўлди.



Ўзбекини — ўз оғам этган,
Улуғ бахтлар инъом этган,
Бир қозоқда ош дамлатган,
Бағирдошлик — о, қардошлик!

Битта дарёдан сув тутган,
Элларни бир, тотув тутган,
Туркманни нағмадош этган,
Хеш-акрабо, о, қардошлик!

Қозоқларга той сўйдирган,
Қирғизларга қуй сўйдирган,
Уй тикдириб, бош қўйдирган
Дастури бир, о, қардошлик!

Замон янгидан куч берар,
Ўйловга кен ўриш берар,
Кулфатлардан олиб ўтар
Қудратли куч, о, қардошлик!

Кўнгил — кўнгилдан сув ичар

Монтёр йигит сим тортиб келди

Куни кеча яйловга бизнинг
Монтёр йигит сим тортиб келди.
Тортган сими пойтахтимизнинг
Таниш овозини опкелди.

Қайтган ғоздай тизилди қатор
Телеграфнинг симёғочлари.
Гулжамида чўпонлар тақрор,
Ҳам яйловнинг қари-ёшлари.

Фермамининг бошлиғи қулди,
Дастурхонга тақлиф ҳам қилди.
Гулжамида янга қувониб,
Бир идишда сут олиб келди:

— Уста қайним, манов сутни сен
Ичиб олгин, босилар ҳумор.
Эҳ, қайта ёш бўлиб қолсам мен,
Узим сенга бўлар эдим ёр!

Жим ўтирган йигит ҳам шу пайт
Жилмайди денг мисоли кундай:
— Раҳмат сизга, соғувчи опа,
Бўлса экан ҳамма қиз шундай!

Сиз айтасиз, қиз бўлсам бешак
Сен йигитга бўлардим ошиқ.
Севиқлим бор... кийикдай ҳуркак,
Мени кўрса — кетади қочиб.

Гоҳо кулар менинг устимдан,
Жуда камгап, «ичимдагинтол».
"Севги не?" деб сўрар-у мендан,
Жавоб кутмай, қочади шитоб.

Юрак урар симдаги тоқдай,
Эшигидан хар кун ўтарман.
Хаёл кетиб, эҳ-хе, баъзида,
Симёғочдан қўлачин, дерман.

Мени кўрса пўлчаи қиз, шу
Жонни ўртаб табассум қилар.
Айтинг, янга, нега бундай у?
"Севаман" деб айтмай, қуйдирар...

— Содда, гўдак қайним-а... қайдам...
Тушунмасан, ёш экансан, о!
Қиз деганинг ёнаётса ҳам,
"Севаман" деб айтмайди асло!

— Э!.. Шундай денг? У одоб сақлаб
Юргандилов ичида қойиб...
— Ҳа-да, қайним, ич эҳтиётлаб,
Озинг сутга қолмасан қуйиб...

— Рост, соддаман, нодонман бунча! —
Доб ёш йигит жовдираб қулди.
Шундай, бизнинг яйловга кеча
Монтёр йигит сим тортиб келди.

Аёлларнинг ёши қўлгайган сайин...

Аёлларнинг ёши улғайган сайин,
Қуз очилган гулдай хуснга тўлар.
Майишқоқ мажнунтол йил ўтган сайин,
Солланиб, сарҳовуларга қўрк берар.

Изда қолиб қиз давроннинг қизиғи,
Оқ юзларда оз-кам ажин қизиғи,
Оҳ, порлоқ иболи кўзлар сузуги
Бир қулиб боққанда минг илҳом берар.

Ўтиришар хоннинг қўноғи каби,
Гўзалликнинг зилол бўлоғи каби,
Кўп йиллик муҳаббат шароби каби
Кўнгилга жўш, юракларга қон берар.

Одоб-икром қони, малоҳат, сирми?
Аёлми, жаннатдан тушган ё ҳурми?
Фаросат болига ботириб тили
Сўзлаганда сўз мулкига жон берар.

Фарзанд қозон-товоқ... бўлса ҳам не ҳол,
Асло сир бермайди бу соҳибжамол,
Юрт дер: "Онасини кўриб қизин ол",
Ошиқ Аёз ушбу сўзга тан берар.

Муҳаббат билан ўйнашма

Муҳаббат билан кўп ўйнашма, йигит,
Ақлу ҳушинг забтга олар муҳаббат.
Дардсиз дилинг қўйиб кўп шовма, йигит,
Соғ бошингга савдо солар муҳаббат.

Сен кирмаган боғда мewa пишгандай,
Санамлар қўлидан шароб ичгандай,
Оқ қозоғга қизил учкун тушгандай
Тутунсиз, оловсиз ёнар муҳаббат.

Дафъатанда олтин тахта миндириб,
Буйруқ бермай, айтганига қундириб,
Аҳмоқларнинг ақлу ҳушин келтириб,
Ақллини мажнун қилар муҳаббат.

Ошиқ Аёз, ҳазил-чини аралаш,
Бойми-бошқа, кимлигинга қарамас,
Қай боғларнинг гулисан, деб сўрамас,
Оёғига сени йиқар муҳаббат.

Ирим

Онам сочларимни силаб ўтириб,
"Уч ўраманг бор..." деб, қулган эдилар.
Уйлаган-да, болам давронлар суриб,
Уч ҳовли қураб деб... билганмидилар?

Иримлар ҳам бизга тиканми қасдин,
Не дерсан тақдирнинг уйнаганига.
Шуқурки, дунёда бу тошдай бошинг
Урамаси тўртта бўлмаганига...

Компютер замонининг муаллимлари

Халқда сўз бор: "Устоз — отангдай улуғ",
Қомил инсон учун фидокорлар — Сиз.
Ёшлар кўп билимли, тўжису тўлуғ,
Уларни кўкларга Сиз қўтаргансиз!

Хизматингиз келажакдан қайтгандай,
Янги бўстонларнинг боғбонларисиз.
Сиз, устозлар, Юртбошимиз айтгандай,
Озод юртининг азиз инсонларисиз!

Маъно излаб тикилсанг бул замонга,
Узгача бир таъбли замон келмоқда.
Компютерни тушунмаган инсонга
Унинг тест синови ёмон келмоқда.

Дарё тошар, муз кўзгалар уммонда,
Билимсиз яшайман деган — бу жоҳил.
Агар тилинг билан ўроқ ўрсанг-да,
Энди дардга ошмас билимсиз ақл.

Олма олис тушмас ўз ёғочидан,
Нақл бор: "Не эксанг — шуни ўрарсан".
Ҳавасни билимга йиқсанг ёшидан,
Ўзингдан билимли шогирд оларсан.

Чин дилдан устозлик қилсанг агарда
Шогирдинг дунёни эгаллар балким.
Дунё миқёсида қўриқда бирдан
Учта олтин медал олиши мумкин!

Билим — қудрат, тоғ йўқ у олмайдиган,
Келажаги улғу замони ҳам бор.
Бироқ инут қилиб ҳеч бўлмайдиган
Масаланинг бошқа томони ҳам бор:

Олтиннинг мисчалик қадрли бўлмағай,
Маърифат-билимга нурун солмаса.
Одамнинг илм ила номи қолмағай,
Инсонийлик фазилати бўлмаса.

Ёш авлод билимга ташлаб бор кучин,
Ақлу ҳеҳни билан оламни олсин.
Ватан учун, одам учун, халқ учун
Ёниб яшайдиган чин фарзанд бўлсин!

Дунёга меҳр-шафқат ибратин берган
Қизлар Ўралхондай меҳрибон бўлсин!
Ватан байроғини беш бор қўтарган
Болалар Эркиндай паҳлавон бўлсин!

Айтиб туринг ўқувчиларга хар кун
"Очиқ бўлсин қалбингдаги кўзинг", — деб.
"Компютерни яхши ўрган ва лекин
Темир каби меҳрсиз усма ўзинг", — деб...

Қардошлик

Тарихларга гувоҳли сўз,
Табаррук сўз, дуолик сўз,
Хар бир дардга даволик сўз,
О, қардошлик, о, қардошлик!

Ор-номус, виждонлар шерик,
Моллар шерик, жонлар шерик,
Томирларда қонлар шерик,
Ўзақдош сўз — о, қардошлик!

Бир ўчоққа ўт ёқтирган,
Бир яйловда мол боқтирган,
Тўй, лозимга от чопдирган
Ўзун томир, о, қардошлик!

Бир тандирга ўт ёқтирган,
Мўхтож нарсангни топдирган,
Бемаҳал эшик қоқдирган
О, қардошлик, о, қардошлик!

Осилганда ёв ёқадан
Чорлаганда она Ватан,
Тўғилгандай бир онадан,
Ёвга чопган, о, қардошлик!

Ёр кўзғалиб, бўлса офат,
Шаҳарларни қилса барбод,
Янги Тошкент бўлиб обод,
Қалъа қурган, о, қардошлик!

Дарёни дарёга қўшган,
Қоинотта тўйнуқ очган,
Бир уй бўлиб тотувлашган
Бағри иссиқ, о, қардошлик!

Кўнгил — кўнгилдан сув ичар

Кийиклар сув ичар сойдан,
Ғоз-ўрдак қўлдуқ сув ичар.
Кўнгил-чи, сув ичар қайдан? —
Кўнгил — кўнгилдан сув ичар.

Кўрдим оққуш ўйинларин,
Соғингандай ошиқ ёрин,
Бирлаштирар буйинларин...
Кўнгил — кўнгилдан сув ичар.

Отлар гулдур-гулдур кишнаб,
Фарз урар уюрин излаб,
Қўйлар маъраб, бўта бўзлаб,
Кўнгил — кўнгилдан сув ичар.

Дарёлар денгизга ошиқ,
Мавж урар ошиқиб, тошиб,
Йўллар йўлларга туташиб,
Кўнгил — кўнгилдан сув ичар.

Дўстлик, иззат — улғу давлат,
Жон озиғи — яхши суҳбат,
Чўлга — баҳор, гулга навбат,
Кўнгил — кўнгилдан сув ичар.

Юрак зарб уриб турсин-да,
Дунёнинг қайси бурчинда
Яшаб турсак ҳам, рост, шунда
Кўнгил — кўнгилдан сув ичар.

Олисдаги асқар тоғлар,
Бири бирин кўрмак бўлар,
Шу учун ҳам буюк улар,
Кўнгил — кўнгилдан сув ичар.

Хушёр боқ, инсон боласи,
Ёмондир кўнгил оласи!
Инсон — инсоннинг қуёши,
Кўнгил — кўнгилдан сув ичар!

Қорақалпоқчадан
Музаффар АҲМАД таржимаси

1. Физика бўйича Евроосиё олимпиадасида бирданига учта олтин медални қўлга киритган нукуслик ўқувчи Алишер Санатуллаев назарда тутилмоқда.
2. Ўралхон — тиббиёт фанлари доктори, "Фарзанд" марказининг раҳбари, Халқаро Голд-ман мукофоти совриндори Ўралхон Отаниёзова.
3. Эркинбой — муайтай бўйича жаҳоннинг беш қарра чемпиони Эркинбой Қутибоев.


Sport



OLIMPIADA

Турин-2006: Ҳозирча Германия пешқадам

Туринда ўтаётган қишки Олимпиада ўйинлари қизгин паллага кирди.



Олимпиячиларимизнинг Туриндаги иштироки ҳақида газетамизнинг ўтган сонида хабар берган эдик. 21 феврал куни фигурали учиш бўйича яккалик баҳсларида иштирок этаётган ҳамюртимиз Анастасия Гимазетдинова мусобақага киришди. Фолиблик учун 20 мамлакатдан 29 нафар спортчи кураш олиб борди. Ўзбекистонлик спортчи 20-рақам остида иштирок этди ва ҳакамларнинг баҳосига кўра сўнгги поғонадан жой олди. Баҳсда АҚШлик Саша Коэн — биринчи, россиялик Ирина Слуцкая — иккинчи ва япониялик спортчи қиз Сизука Аракава — учинчи бўлди.

Олимпиада баҳсларидан ўрин олган хоккей ўйинлари ҳозир барчанинг диққат-эътиборида турибди. Чорак финал ўйинларида куйидаги натижалар қайд этилди:

- Россия - Канада - 2:0
- Словакия - Чехия - 1:3
- Финляндия - АҚШ - 4:3
- Швейцария - Швеция - 2:6

Ярим финалда Россия терма жамоаси Финляндия билан, Чехия эса Швеция терма жамоаси билан баҳс олиб боради.

Қишки Олимпиада ўйинларида умумжамоа ҳисобида Германия (9та олтин, 8та кумуш, 5та бронза) пешқадамлик қилмоқда.

FUTBOL

Чоршанба куни Осиё-2007 саралаш босқичи гуруҳ ўйинларининг биринчи тур учрашувлари ўтказилди. Пойтахтимиздаги "Пахтакор" стадионида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Бангладеш терма жамоасини қабул қилди.

Йирик ҳисобдаги ғалаба



Ўйин терма жамоамиз устунлигида ўтди. Учрашувнинг 9-дақиқа-сида рақиб дарвозабони ва ҳимоячисининг хатосидан унумли фойдаланган Александр Гейнрих ҳисобни очди. Шундан сўнг кетма-кет тўплар киритила бошланди ва якуний ҳисоб — 5:0 кўринишини олди. Натижа бундан ҳам яхшироқ бўлиши мумкин эди, бироқ кўплаб кулай вазиятлар футболчиларимиз томонидан бой берилди.

Ўзбекистон — Бангладеш — 5:0

Голлар: Гейнрих 9, 51; Жепаров 24; Шацких 35, 83.

Учрашувда 19 ёшли Виталий Денисов ўзининг терма жамоадаги дебютини ўтказди ва мухлисларда илиқ таассурот уйғотди. Баҳсда мухлисларни ранжитган биргина нарсга бу — Сервер Жепаровнинг майдондан четлатилгани бўлди. Миржалол Қосимовнинг ўрнини босиши кутилаётган футболчилмиш 1 март куни бўлиб ўтадиган Қатарга қарши ўйинда майдонга туша олмайди.

Гуруҳнинг иккинчи ўйинида Қатар терма жамоаси сафарда Гонконгни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Барчанинг нигоҳи Европада

Осиёда қитъа биринчилиги учун саралаш ўйинлари бўлаётган бир пайтда Европа яшил майдонларида Чемпионлар лигасининг нимчорак финал баҳслари ўтказилди.

Барча футбол мухлисларининг нигоҳини қаратган учрашувлар кескин ва муросасиз тарзда ўтди.

- Бавария — Милан — 1:1 Голлар: Баллак 23 - Шевченко 57 (пен.), Бенфика — Ливерпул — 1:0 Гол: Луизао 86, Реал — Арсенал — 0:1 Гол: Анри 47, ПСВ — Лион — 0:1 Гол: Жунио 65, Аякс — Интер — 2:2 Голлар: Хунтелеар 16, Розалес 20 - Станкович 49, Круз 86, Вердер — Ювентус — 3:2 Голлар: Шульц 39, Боровски 87, Микуд 90 - Недвед 73, Трезеге 82, Рейнджерс — Виллреал — 2:2 Голлар: Ловенкрадс 22, Пена 82 (автогол) - Рикельме 7, Форлан 35, Челси — Барселона — 1-2 Голлар: Тиаго Мотта 59 (автогол) - Жон Терри 72 (автогол), Это'о 80

Жавоб ўйинлари 7-8 март кунлари бўлиб ўтади.

BOXS

Темур Иброҳимовнинг навбатдаги жанги

Бугун Американинг Ҳолливуд шаҳрида профессионал бокс кечаси бўлиб ўтади. Ушбу шоу доирасида ҳамюртимиз Темур Иброҳимов ўзининг навбатдаги жангини америкалик боксчи Билли Замбранга қарши ўтказади.

Ушбу жангнинг эътиборли жиҳати шундаки, мутлақ вазннинг собиқ чемпиони, афсонавий Майк Тайсон ҳамюртимизга секундантлик қилиши кутилмоқда.

Шоунинг асосий жанги собиқ жаҳон чемпионлари — Глен Жонсон ва Ричард Холл ўртасида бўлиб ўтади. Шунингдек, кечада таниқли боксчи Хозл Касамайор Антонио Рамиресга қарши рингга кўтарилади.



tixabar@mail.uz

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бosh муҳаррир:
Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Иzzат АХМЕДОВ (Bosh муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шoмансур ОБИДУЖАЕВ
Миродил САҒИЛЛОВ
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул кoтиб)
Асқаджон ХУЖАЕВ
Руслан ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Тахририят келган кўлэма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллафларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлашиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 0.
Реклама матнларининг турлилигига тахририят жавобгар эмас. Рақам ва олдларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир. Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.
Маънавийлик: 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Маъна: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.
Саҳифаловчи: А. БУРИЕВ.
Матн терувчи: Д. МАТҚУРБОНОВА.

454-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қўроғ бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Алда: 10407 нуска.

Боснига топширилди — 20.00. Боснига топширилган вақти — 20.00.

Жамоатчи мухбирларимиз:	Андижонда 46-47-80	Бухорода 226-22-14	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-26-96	Навоийда 222-56-30	Наманганда 226-61-85	Нукусда 222-14-63	Самарқандда 34-06-71	Термизда 224-06-12	Тошкентда 133-36-48	Урганчда 226-43-13	Фарғонада 26-92-03	Қаршида 21-00-14
-------------------------	--------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	----------------------	-------------------	----------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	------------------

Дарҳақиқат, устоз — шогирдларига ўзидаги бор билимларини, мутахассисликнинг сир-синаотларини, меҳрини берадиган инсон. Устоз гўёки кулол, шогирд эса соз тупроқ. Кулол ҳар бир ясаган буюмига ўзгача, такрорланмас шакл ва безак беради. Устоз шогирдининг келажаги порлоқ бўлиши учун пойдевор яратади, билим беради, унга бутун қалб кўрини бағишлайди.

Бугунги суҳбатдошимиз ана шундай жонқуяр устоз ҳамда кўшиқчи, актёр — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институтининг театр санъати факултети декани Шерзод ПИРМАТОВ.



ШОГИРДЛАРГА МЕҲРИНИ БЕРГАН УСТОЗ

— Шерзод ака, санъат соҳасига кириб келишингизга кимлар сабабчи бўлган?

— Санъат йўлини танлашимда отам Турсун Пирматовнинг хизмати катта. Институтни тамомлаган. Отамнинг кўшиқ айтишига ҳавасим келган ва мен ҳам ана шу институтга кириб ўқишга аҳд қилганман. Халқ артистлари — профессор Раззоқ Хамроев ва Сасон Бенаминовлардан актёрлик ва кўшиқчилик сирларини ўрганганман. Мухимий номидаги мусиқали драма театрининг бош дирижёри, доцент Жўра Ортиқов ва, албатта, отам санъат сирларини эгаллашимга муносиб ҳисса қўшишган.

— Шогирдларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?

— Ҳар йили кўплаб шогирд тайёрлаб чиқарамиз, аммо устоз шогирдини танламас экан. Шогирд "Шу инсондан санъат сирларини ўргандим" деб тан олсагина, устоз уни шогирдим дея олар экан. Мен шогирдларимнинг санъатда ўз ўринларини, обрў-эътибор топишларини ҳамда меҳнати билан элнинг меҳрини қозонишларини, халқ назаридан ҳеч тушмасликларини истардим.

— Фарзандларингиз орасида санъат йўлини танлаганлари ҳам борми?

— Албатта бор. Қизим мана шу институтнинг "Муסיқа режиссёрлиги" бўлимида, яъни бобосининг касбини давом эттириш ниятида таҳсил олмакда, ўғлим эса "Драматургия" бўлими талабаси. Фарзандларимдан умидим катта, ушалмаган орзуларимни улар албатта амалга оширади, деб ўйлайман.

— Шерзод ака, катта саҳнавий овоз имкониятларига, актёрлик маҳоратига эгасиз, нега актёрликни эмас, педагогликни танлагингиз?

— Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида бир неча рол ижро этганман. Кейин отам ҳамда устозларимнинг маслаҳатига қулоқ солиб, педагоглик соҳасини танладим. Истеъдодли одам буюк санъаткор бўлиши мумкин, аммо ҳамма ҳам педагог бўла олмайдми. Бу касбни танлаб, хато қилма-

ганман, мана 25 йилдирки, талабаларга санъат сирларини ўргатиб келяпман. Ўқитувчиликни давом эттирган ҳолда, кейинги йилларда Соҳиб Жамолнинг "Гули сиёҳ" асаридаги Нодир ролин юнадим. Бир қанча кинофилмларда, мисол учун, режиссёр Баҳром Ёқубовнинг "Фотима ва Зухра", режиссёр Қаҳрамон Мирмақсудовнинг "Икки қалб" филмларида роллар ижро этдим.

— Театр санъати факултетининг тарихи ҳақида нималар дея olasiz?

— 1944 йилда ташкил этилган ушбу факултет институтнинг ўзаги ҳисобланади, бу ерда асосан драматик театр ва кино актёрлари, режиссёрлар, театршунослар тайёрланган. 1954 йили институтда рассомчилик факултети очилди. 1958 йилда «Муסיқали драма актёрлиги» ва бошқа бўлимлар шакллана бошлади. Бу факултетда йирик санъат ва маданият арбоблари меҳнат қилишган. Шу йиллар мобайнида ўқув юртимиз нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё ҳамда бошқа республикалар учун ҳам кадрлар тайёрлаб келди. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Россия мамлакатларида ҳам институтимизни тамомлаган мутахассислар — актёр ва режиссёрлар, театршунослар фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Кейинги йилларда факултетда, умуман институтда қандай ўзгаришлар бўлди?

— Мамлакатимизда мустақилликка эришганидан сўнг факултетда бир қанча янги мутахассисликлар — «Санъатшунослик журналистикаси», «Кинотелеоператорлик», «Телевидение режиссёри», «Телевидение ва радио овоз режиссёри» бўлимлари очилди. Факултетнинг имкониятларидан келиб чиқиб, кейинги йилларда «Эстрада актёрлиги санъати», «Эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги» сингари янги йўналишларда мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бугунги кунда факултетда иккита йўналиш — «Актёрлик санъати» ва «Режиссёрлик» йўналишлари бўйича бакалаврлар, олтира мутахассислик бўйича эса магистрлар тайёрланади. Улар-

га сабоқ бериладиган кафедраларда халқ артистлари, хизмат кўрсатган фан арбоблари, хизмат кўрсатган маданият ходимлари, профессорлар, хизмат кўрсатган ёшлар мураббийлари меҳнат қилишмоқда.

Шу ўринда 2005 йилнинг сентябр ойида Президентимиз томонидан техникавий базага эга бўлган, барча талабаларга жавоб берадиган, замонавий жиҳозлар ўрнатилган муҳташам бино институтимизнинг 60 йиллик юбилейига тўғна сифатида бизларга топширилди. Бу театр санъатига кўрсатилаётган катта эътибор, деб ўйлайман.

— Келгусидаги режалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Мамлакатимизда комил инсон тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилинган. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга намуна бўладиган билимли, маърифатли инсонни тушунаемиз. Шуларни инobatга олиб, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида ўқув жараёнини такомиллаштиришни, факултетимизда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларимизнинг ижодий ва илмий имкониятларини оширишни, талабаларимизнинг эмин-эркин ижод қилишлари учун шароит яратишни режалаштирганмиз. Янги ўқув дастурлари, ўқув-услубий қўлланмалар яратиш борасида ҳам илмий изланишлар олиб боряемиз. Факултетимизда ташкил этилган бадиий кенгашда, талабалар ва ўқитувчилар орасида ижодий мухитни янада яхшилашга эътибор қаратаемиз. Мақсад — факултетимиз салоҳиятини янада юксалтириш, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар томонлама пухта билимга эга, замонамизга муносиб, кўпчиликка ибрат бўладиган маҳоратли ва қобилиятли, халқимизга сидқидилдан хизмат қиладиган фидойи кадрларни тарбиялашимиз.

— Суҳбатингиз учун раҳмат!

Маймура ТОЖИМАТОВА суҳбатлашди

FILATELISTLAR BURCHAGI

1996 йилда чиқарилган почта маркалари

"Қоплон" почта маркалари туркуми. 1997 й. 28 май. Рассом С. Бобров.

Ўзбекистонда қоплон Боботов тизмасидагина (600-900 метр баландликда) учрайди. Қоплон "Кирилиб кетиш хавфи остида турган ёввойи фауна ва флора турлари билан савдо-сотик қилиш бўйича халқаро конвенция" рўйхатига киритилган.

Туркум тўртта почта маркаси, битта почта блоки ва 10та маркадан иборат кичик варақдан ташкил топган. Туркумдаги ёзувлар ўзбек ва инглиз тилларида берилаган. Туркум икки рангда ишланган. Офсет усулида босилган. Марканинг ўлчами 42x30 мм. Перфорацияси тарақсимон. Бир варақдаги маркалар сони 10 дона.



143.



144.



145.



146.



147. "Қоплон" почта блоки.

Ўлчами 90x70 мм. Блокдаги марканинг ўлчами 30x42 мм. Перфорацияси рамкали. Блокнинг хошиясида "Ўзбекистон Республикасининг ноёб ҳайвонлари" ёзуви бор.

Туркумнинг умумий адади 385,0 минг дона.

Tabriklaymiz!

"Тошкент Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюмиси кўмитаси ҳамда Ҳазратлик телекоммуникациялар боғламаси жамоалари боғламанинг қишлоқ телефон тармоғи линия муҳандиси Каримберди РАҲМОН-БЕРДИЕВНИ 60 ёши билан табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, ишларида ривож тилаб қолади.



НИҚМАТЛАР ВО'СТАНИ

ЁМОНЛИКНИ КЕЧИРСА БЎЛАДИМИ?

- Бир куни ҳазрати Ибни Ато мажлисда суҳбатдошларидан сўради:
- Одам боласи юксак мартабаларга қайси фазилатлари билан эришадур?
 - Тоат-ибодат, интизом ила эришадур, — жавоб берди бир мурид.
 - Мужоҳада, шаҳду амал ишлари ила...
 - Риёзат, ранжу ано, машаққатлар ила...
 - Садақа ва эҳсонлар қилиш ила...
- Ҳазрат Ибни Ато мулоҳазаларга чек қўйди:
- Одам боласи мартабага яши фелъ-хўй ила эришур...

— Ёмонликни кечирса бўладими? — савол ташлади ҳазрат Ибни Ато. Сўнг ўзи жавоб қилди:

— Инсон боласини охир оқибатда тоатга, тавба-тазарруга элтадиган ёмонликни кечирса бўлади...

Кимки йўлни яхшиликдан йироқ солибдур, — Билки ўзи яхшиликдан йироқ қолибдур...